

Росуллоҳнинг маҳсилари ва турмушлари ҳақидаги ҳадислар баёни

Шамоили Муҳаммадия китобига изоҳли ва эркин таржима

[Ўзбекча]

أبواب ما جاء في عيش وخف ونعل رسول الله
ترجمة وتعليقات حرة على كتاب الشمائل المحمدية للترمذي
[باللغة الأوزبكية]

Абу Ийсо Муҳаммад ибн Ийсо ибн ат-Термизий

أبو عيسى محمد بن عيسى الترمذي

Таржимон: Абдуллоҳ Шариф

ترجمة: عبد الله شريف

Нашрга тайёрловчи: Шамсиддин Дарғомий

مراجعة: شمس الدين درغامي

Риёз шаҳри Рабва маҳалласи диний тарғибот идораси

المكتب التعاوني للدعوة وتوعية الجاليات بالربوة بمدينة الرياض

1430 – 2009

islamhouse.com

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

الحمد لله رب العالمين، والصلاة والسلام على سيدنا محمد، وعلى آله وصحبه أجمعين.

Ассаламу алайкум ва раҳматуллоҳ ва баракотуҳ ҳурматли мўъмин биродарлар! Бу "шамоил Муҳаммадия" китобимиздан олтинчи дарс бўлиб бунда, Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васаллам либослари ҳақида келган ҳадисларни ниҳоясига етказиб ундан кейинги турмуш-ҳаётлари ва маҳси кийишлари ҳақидаги боблар билан танишамиз иншааллоҳ.

66 – حدثنا عبد بن حميد حدثنا عфан بن مسلم قال حدثنا عبد الله بن حسان العنبري عن جدتيه دحية وعلية عن قبلة بنت مخزومة قالت رأيت النبي وعليه أسمال مليتين كانتا بزعفران وقد نفضته وفي الحديث قصة طويلة

Абдуллоҳ ибн Ҳассан ал-Анбарий икки бувилари Дуҳайба ва Улайбадан, улар Қайла бинту Маҳрамадан ривоят қилишларича у аёл айтадики: Мен Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни кўрдим устларида икки эски тўқилган кийим бор эди, унинг заъфарон билан бўялган ранги ҳам ўчиб кетган эди.

Изоҳ: *Муҳаддислар ҳадиснинг саҳиҳлигида ихтилоф қилиб, бирлари ҳадис саҳиҳ десалар, аксарият уламолар ҳадиснинг заифлигини таъкидлайдилар.*

67 – حدثنا قتيبة بن سعيد ثنا بشر بن المفضل عن عبد الله بن عثمان بن خثيم عن سعيد بن جبير عن ابن عباس رضي الله عنهما قال قال رسول الله عليكم بالبياض من الثياب ليلبسها أحياءكم وكفنوا فيها موتاكم فإنها من خيار ثيابكم

Ибн Аббос розияллоҳ анҳудан ривоят қилинишича айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам оқ кийимларга аҳамият беринглар, уни тирикларингиз кийсин ва ўликларингизни шу билан кафанланглар, чунки у энг яхши кийимларингиздандир - дедилар.

Изоҳ: *Ҳадис саҳиҳ бўлиб, ҳадисни абу Довуд, ибн Можжа ва муаллифнинг ўзлари ҳам сунанларида ривоят қилганлар. Абу Довуднинг "сунан" китобларини шарҳи бўлмиш "Авнул маъбудда" шу ҳадисга чунки, оқ кийим кибру ҳаводан узоқ бўлиб, тавозуликка ва бошқа яхши хислатларга далолат қилади - деган шарҳ берилган.*

68 – حدثنا محمد بن بشار حدثنا عبدالرحمن بن مهدي حدثنا سفيان عن حبيب بن أبي ثابت عن ميمون بن أبي شبيب عن سمرة بن جندب قال

قال رسول الله البسوا البياض فإنها أطهر وأطيب وكفنوا فيها موتاكم

Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади у зот айтадилар: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтган - эдиларки: Оқ кийинглар, чунки у пок ва яхшидир ва ўликларингизни ҳам шунда кафанланглар.

Изоҳ: *Имом Насоийнинг "сунанларида" шу ҳадисга Синдий шундай шарҳ қиладилар, чунки оқ кийим салгина кир бўлса, билиниб қолади ва дарҳол уни кетказилади, аммо бошқа рангли кийимларда эса, анча мунча кирлар билинмаслиги мумкин, валлоҳу аълам.*

69 – حدثنا أحمد بن منيع حدثنا يحيى بن زكريا بن أبي زائدة حدثنا أبي عن مصعب بن شيبة عن صفية بنت شيبة عن عائشة قالت خرج رسول الله ذات غداة وعليه مرط من شعر أسود

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинишича айтадиларки: Бир куни Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам чиқдилар, эгниларида қора жундан тўқилган чопон бор эди.

Изоҳ: Яъни аввалги ҳадисларда оқ кийишга тарғиб қилинганлиги учун, оқдан бошқа рангли кийиш мумкин эмаслиги тушиниб қолинмаслиги учун, бу ҳадисни ривоят қилган бўлсалар керак, шунинг учун оқ кийишлик фақат афзаллик бобидан бўлиб, қора кийиш ҳам жоиздир.

70 – حدثنا يوسف بن عيسى حدثنا وكيع حدثنا يونس بن أبي إسحاق عن أبيه عن الشعبي عن عروة بن المغيرة بن شعبة عن أبيه أن النبي لبس جبة رومية ضيقة الكمين

Муғира ибн Шўъбадан ривоят қилинади айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам икки енги тор Рум чопонини кийган эдилар.

Изоҳ: Яъни Рум диёрларидан келтирилган чопон. Уламолар бу ҳадиснинг шарҳида бу кийимни Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам табуқ газавотида кийган эдилар дейдилар. Табуқ газавоти эса румликлар билан мусулмонлар ўртасида бўлиб ўтган уришдан иборатдир.

(9) باب ما جاء في عيش رسول الله وفيه حديثان

9- Боб

Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг турмуш ҳаётлари баёни

71 – حدثنا قتيبة بن سعيد ثنا حماد بن زيد عن أبوب عن محمد بن سيرين قال كنا عند أبي هريرة وعيه ثوبان ممشقان من كتان فتمخط في أحدهما فقال بخ يخ يتمخط أبو هريرة في الكتان لقد رأيتني وإني لأخر فيما بين منبر رسول الله وحجرة عائشة رضي الله عنها مغشيا علي فيجيء الجائي فيضع رجله على عنقي يرى أن بي مجنونا وما بي جنون وما هو إلا الجوع

Тобиинларнинг улуғларидан бўлмиш Муҳаммад ибн Сийриндан ривоят қилиниб айтадиларки: Биз Абу Ҳурайра розияллоху анҳунинг олдларида ўлтирган эдик, эгниларида зиғир толасидан тўқилган икки кийим бор эди. Кийимнинг бирига тупирдилар, шунда Абу Ҳурайра ҳай! ҳай! Абу Ҳурайра канопга тупираяптими? мени бошимдан шундай ҳолатлар кечганки, Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг минбарлари билан Оиша розияллоху анҳунинг хужралари ўртасида ҳушимдан кетиб қолардим. Биров келиб мени жинни деб ўйлаб, бўйнимга оёғини қўярди, ваҳоланки мен жинни эмас эдим, бунинг сабаби очликдан ўзга нарса эмас эди.

Изоҳ: Абу Ҳурайра розияллоху анҳу одоб ва ҳурмат юзасидан одамлар олдига тупирмай, кийимларига тупириб уни ишқаб юборганлар, кейин турмуш ҳаётлари очлик ва ночорликдан тўқлигу-бойликка, фаровон ҳаётга шунчалик тез қисқа муддат ичида ўзгариб кетганига ҳайрон бўлиб, Абу Ҳурайра каттонга тупирияптими? -дейдилар.

72 – حدثنا قتيبة ثنا جعفر بن سليمان الضبيعي عن مالك بن دينار قال ما شبع رسول الله من خبز قط ولا لحم إلا على صنف قال مالك سألت رجلا من أهل البادية ما الضفف فقال أن يتناول مع الناس

Молик ибн Динордан ривоят қилинади у зот айтадиларки: Росулulloх саллалллоху алайҳи васаллам нон ва гўшдан тўйиб овқатланган эмаслар. Фақат зафаф билан овқатланиб тўяр эдилар. Молик саҳрода яшайдиган бир одамдан зафаф нима? деб сўрасам, у меҳмонлар - деб жавоб қилди. -дейдилар.

Изоҳ: Чунки чўлда яшайдиган араблар араб тилини бузмай сақлаб қолган эдилар. Бу ҳадисда Росулulloх саллалллоху алайҳи васалламнинг ҳаётларидан бир ишнгил келтирилди, албатта у зот бошқа саҳиҳ ҳадисларда келишича, уч кун, ёки икки кун кетма-кет бугдой, ёки арпа нонини емаган эдилар, уйларидан бир ой, икки ойгача ҳам тутун чиқмас эди, Оиша онамиздан таомларингиз нима? эди - деб сўрашганда хурмо ва сув - деган эдилар.

(10) باب ما جاء في خوف رسول الله وفيه (2) حديثان

10-боб

Росулulloх саллалллоху алайҳи васалламнинг маҳси кийганликлари баёни

73 – حدثنا هناد بن السري ثنا وكيع عن دهم بن صالح عن حجير بن عبد الله عن ابن بريدة عن أبيه أن النجاشي أهدى للنبي خفين أسودين ساذجين فلبسهما ثم توضأ ومسح عليهما

Ибн Бурайда оталаридан ривоят қилиб айтадиларки: Нажоший Пайғамбар саллалллоху алайҳи васалламга, қоп-қора ва бошқа ранг аралаштирилмаган бир жуфт маҳси ҳадя этди. Росулulloх саллалллоху алайҳи васаллам уни кийиб, сўнг унга масҳ тортдилар.

Изоҳ: Бу нажоший Ҳабашистон ҳукуматининг подшоси эди. Ўз исми Асхама бўлиб Нажоший эса Ҳабаш подшоларининг лақабидир.

Ибн ал-Касир раҳимахуллох "Бидоя ва ниҳоя" китобларида айтадиларки: Ўша даврларда ҳар бир давлат подшоларининг лақаби бўлар эди, масалан; Форс подшоларининг лақаби Кисро, Рум подшоларининг лақаби эса Қайсар, туркларнинг подшоларининг лақаби Хўқон эди. Асхама ҳам Росулulloх саллалллоху алайҳи васаллам Амр ибн Умаййа орқали мактуб йўллаб, исломга даъват қилган подшолар жумласидан эди. У ҳижратнинг олтинчи йилида исломни қабул қилиб, тўққизинчи йилида вафот этган эди. Росулulloх саллалллоху алайҳи васаллам унга ғоиб жанозасини ўқиганлар.

Мусулмонлар исломнинг аввалида унинг ерига ҳижрат қилиб борганларида, у уларни Қурайш навқарларидан ҳимоя қилган эди.

74 – حدثنا قتيبة بن سعيد حدثنا يحيى بن زكريا بن أبي زائدة عن الحسن بن عياش عن أبي إسحاق عن الشعبي قال قال المغيرة بن شعبة

أهدى دحية للنبي خفين فلبسهما وقال إسرائيل عن جابر عن عامر وجبة فلبسهما حتى تخرقا لا يدري النبي أذكى هما أم لا قال أبو عيسى وأبو إسحاق هذا هو أبو إسحاق الشيباني واسمه سليمان

Муғира ибн Шўъбадан ривоят қилинади у зот айтадиларки: Диҳя -бу Диҳятул Калбий исмлики киши Жаброил алайҳис-салом гоҳо унинг шаклига кириб келадиган чиройли юзлик саҳобадир- шу саҳоба Росулulloх саллалллоху алайҳи васалламга бир жуфт маҳси ҳадя қилади.

Ривоятда Исроил Жобирдан у эса Омирдан ривоят қилиб айтишича: Битта тўн ҳам ҳадя қилган экан. Росулulloҳ саллалллоҳу алайҳи васаллам бу маҳсини эскириб кетгунгача кийдилар. Пайғамбар саллалллоҳу алайҳи васаллам бу маҳси шариатга мувофиқ сўйилган ҳайвоннинг терисидан бўлганми ё йўқми, буни билмас эдилар.

Изоҳ: Яъни бундай ҳолларда суриштириш лозим эмас демоқчилар то нопоклиги билингунча, худди шу масаланинг ўхшашларидан киши бировникида меҳмон бўлса олдига қўйилган таомни шариатга мувофиқ сўйилганми? деб мезбондан сўрамайди ва биров ҳадя қилса ҳам уни суриштирмаслик керак, чунки мусулмон киши мусулмон биродарига ёмон гумон қилмайди, бундан ташиқари ўлик ҳайвоннинг терисидан фойдаланиш жоиз, агар унинг териси ошланган бўлса.

(11) باب ما جاء في نعل رسول الله وفيه (12) حديثنا

11-БОБ

Росулulloҳ саллалллоҳу алайҳи васалламнинг кавушлари ҳақида.

75 – حدثنا محمد بن بشار ثنا أبو داود الطيالسي ثنا همام عن قتادة قال قلت لأُنبس بن مالك كيف كان نعل رسول الله قال لهما قبالة

Қатода раҳимаҳуллоҳдан ривоят қилинади: У зот айтадиларки: Анас розияллоҳу анҳудан Росулulloҳ саллалллоҳу алайҳи васалламнинг кавушлари қандай? бўлган эди - деб сўрасам, у зот айтдиларки: Кавушларининг икки боғлағич ипи бор эди.

Изоҳ: Яъни баъзи шарҳловчиларнинг сўзларига қараганда, икки бармоқ орасидан бойлаш учун ўтказиладиган ипи иккита бўлган, бири бош катта бармоқ билан кейинги бармоқ ўртасидан ўтган бўлса, иккинчиси ундан кейинги бармоқ билан навбатдаги бармоқ ўртасидан ўтган экан.

76 – حدثنا أبو كريب محمد بن العلاء ثنا وكيع عن سفيان عن خالد الحذاء عن عبد الله بن الحارث عن ابن عباس قال كان لنعل رسول الله قبالة مثنى شراكهما

Ибн Аббосдан ривоят қилиниб айтадиларки: Росулulloҳ саллалллоҳу алайҳи васаллам кавушларини боғлағич ипи иккиталик эди.

77 – حدثنا أحمد بن منيع ويعقوب بن إبراهيم حدثنا أحمد الزبيري حدثنا عيسى بن طهمان قال أخرج إلينا أنس بن مالك نعلين جرداوين لهما قبالة قال فحدثني ثابت بعد عن أنس أنهما كانتا نعلي رسول الله

Ийсо ибн Тоҳмондан ривоят қилинади у зот айтадиларки: Анас ибн Молик бизга икки туксиз кавушни олиб чиқдилар, унинг икки ипи бор эди. Собит кейинчалик менга Анасдан ривоят қилиб у Росулulloҳ саллалллоҳу алайҳи васаллам кавушлари эди дерди.

Изоҳ: Бу ҳадисда Анас розияллоҳу анҳу Росулulloҳ саллалллоҳу алайҳи васаллам баракотларига ҳарис бўлиб, у зотнинг кавушларини асраб юрганликлари ва тобиинларнинг ҳам мана бундай баракотларга қизиқишларини билиб олаяпмиз, бу нарсалар бизлар учун Пайғамбар саллалллоҳу алайҳи васалламга ҳар нарсада эргашишимизга дарс бўлмоқлиги керак.

78 – حدثنا إسحاق بن موسى الأنصاري قال حدثنا معن قال ثنا مالك ثنا سعيد بن أبي سعيد المقبري عن عبيد بن جريح أنه قال لابن عمر رأيتك تلبس النعال السبتية قال إني رأيت رسول الله يلبس النعال التي ليس فيها شعر ويتوضأ فيها فأنا أحب أن ألبسها

Убайд ибн Журайждан ривоят қилинади: У киши ибн Умар розияллоҳу анҳудан нима учун туксиз кавуш киясиз? -деб сўраганларида, у зот мен Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни туксиз кавуш кийганларини кўрганман. Ўша кавушлари билан таҳорат ҳам қилар эдилар, шунинг учун мен уни кийишни ёқтираман.

Изоҳ: Яъни Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам у кавушни оёқларидан ечмасдан оёқларини ювар эканлар, шунинг учун мен уни кийишни яхши кўраман. - дедилар. Одатда у туксиз кавуш молнинг терисидан, тукларини кетказилгандан кейин, ишланар экан. Саҳобаларнинг кавуш кийишида ҳам Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга эргашишларига яъна бир бор диққат қилайлик, чунки ҳадисларни ўқишдан бўлган мақсадимиз ҳам у зотнинг суннатларини ўрганиб тадбиқ қилишдир.

79 – حدثنا إسحاق بن منصور ثنا عبدالرزاق عن معمر عن ابن أبي ذئب عن صالح مولى التوأمة عن أبي هريرة قال كان لنعل رسول الله قبيلان

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: У зот айтадиларки: Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг кавушларини икки ипи бор эди, аввалда айтиб ўтганимиздек, бу ип икки бармоқларининг орасидан ўтказиладиган боғичдир.

Мана шу ерда дарсмизга якун ясаб, қолган ҳадисларни келгуси дарсимизда ўқиймиз ин шааллоҳ ва Оллоҳ таолодан суннатларга эргашадиган мўминлардан қилишини сўраймиз.

وآخر دعوانا إن الحمد لله رب العالمين.